



ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ПАРЛАМЕНТЛАРИНИНГ ТАШҚИ
СИЁСАТДА ИШТИРОКИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: ТЕНДЕНЦИЯ ВА
ТАМОЙИЛЛАР

Нематуллаев Азамат Улуғбек ўғли

ЖИДУ мустақил изланувчиси (PhD)

E-mail: anematullayev9559@gmail.com

Тел: 97 707 95 29

Аннотация. Ушбу мақолада дунё мамлакатлари парламентларининг ташқи сиёсатда иштирок этиш жараёнида кечаётган трансформация тенденциялари ва асосий тамойиллари таҳлил қилинади. Либерал институционализм ва сиёсий реализм назариялари нуқтаи назаридан парламентлар ролига баҳо берилган, парламент назоратининг демократик аҳамияти ҳамда ташқи сиёсатдаги чекловлари таҳлил этилган. АҚШ, Буюк Британия, Россия ва Европа Иттифоқи мисолида парламент иштироки моделлари қиёсий жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўзлар: парламент, ташқи сиёсат, трансформация, либерал институционализм, сиёсий реализм, парламент назорати, халқаро муносабатлар, парламент дипломатияси.

Аннотация. В статье анализируются тенденции и принципы трансформации участия парламентов различных стран мира во внешней политике. Рассматривается роль парламентов сквозь призму теорий либерального институционализма и политического реализма, а также оцениваются демократические функции парламентского контроля и существующие ограничения. На примере США, Великобритании, России и Европейского союза проведён сравнительный анализ моделей парламентского участия.

Ключевые слова: парламент, внешняя политика, трансформация, либеральный институционализм, политический реализм, парламентский контроль, международные отношения, парламентская дипломатия.

Abstract. This article examines the trends and principles underlying the transformation of parliamentary involvement in the foreign policies of countries worldwide. The role of parliaments is analyzed through the theoretical lenses of liberal institutionalism and political realism, highlighting both the democratic significance of parliamentary oversight and its inherent limitations. Comparative examples from the United States, the United Kingdom, Russia, and the European Union illustrate diverse models of parliamentary participation.

Keywords. parliament, foreign policy, transformation, liberal institutionalism, political realism, parliamentary oversight, international relations, parliamentary diplomacy.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Бугунги кунда дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ташқи сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда парламентларнинг аҳамияти сезиларли даражада ошиб бормоқда. Шу билан бирга, XXI асрда глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва жамиятларнинг сиёсий онги ўсиши парламентларни ташқи сиёсатда фаоллашувига янги туртки берди. Замонавий демократия шароитида ташқи сиёсат фақат давлат раҳбари ёки ҳукумат даражасида белгиланадиган соҳадан чиқиб, кўп томонлама сиёсий жараёнга айланди. Парламентлар элита доирасидаги қарорларни кенг жамоатчилик манфаатлари билан мувофиқлаштиришга ёрдам берувчи институт сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ташқи сиёсат анъанавий тарзда ижро ҳокимиятининг асосий қисми сифатида қонунчиликда белгиланган бўлса-да, ҳозирда парламентлар халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб, ташқи сиёсат борасида муҳим қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатмоқда.

Дунё мамлакатлари парламентларининг ташқи сиёсатда иштироки трансформациясини чуқурроқ тушуниш учун парламентнинг ташқи сиёсатдаги иштирокига доир назарий ёндашувларини таҳлил этиш лозим. Хусусан, либерал институционализм халқаро муносабатларга давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантирувчи институтлар ва нормалар орқали қарайди. Бундай шароитда парламентлар ташқи сиёсатни шакллантиришда демократик назоратни, халқаро қарорларнинг шаффофлиги ва қонунийлигини таъминлаш орқали муҳим ўрин тутди.

Мисол учун, демократик мамлакатлардаги парламентлар ижро ҳокимиятини назорат қилади ва урушлар олиб бориш ёки нооқилона ташқи сиёсат билан шуғулланиш имкониятини чеклайди. Ошкоралик ва ҳисобдорлик таъминлаш нуктаи назаридан парламентнинг ташқи сиёсат масалалари бўйича очик муҳокамалари ҳукумат қарорлари учун масъулиятни оширишни таъминлайди. Бундан ташқари, парламент назорати қонун чиқарувчи органлар халқаро шартномаларни ратификация қилишда, ташқи сиёсатнинг амалга оширилишини назорат қилишда ва ташқи сиёсат эҳтиёжлари учун бюджетни шакллантиришда иштирок этади.

Бундан ташқари парламентлар давлатлар ўртасидаги ишончни ошириш орқали кўп томонлама ҳамкорликка ёрдам беради[1]. Бундай ёндашув ташқи сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда институционал механизмларнинг муҳимлигини таъкидлаётган ҳолат.

Халқаро муносабатларнинг муҳим назарияларидан бири бўлмиш сиёсий реализмга кўра, парламент ташқи сиёсатда ёрдамчи ёки ваколатлари анча чекланган иштирокчи сифатида қаралади. Реализмга кўра, парламент каби демократик институтларнинг ташқи сиёсатда ҳаддан ташқари кўп иштирок этиши сиёсатнинг фрагментациясига, стратегик маълумотларнинг чиқиб кетишига ва инқирозли вазиятларда самарадорликни йўқотилишига олиб келиши мумкин.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Хусусан, ушбу соҳада тадқиқот олиб борган америкалик олим Р. Артнинг фикрича, аксарият ҳолларда ташқи сиёсат бўйича қарорлар ниҳоятда тезлик билан қабул қилинишини тақозо этади. Бинобарин, қарорларни тасдиқлашнинг мураккаб тартиб-таомилларига эга бўлган парламент демократиясида буни амалга ошириш жуда қийин[2]. 1962 йилги Куба инқироzi бунга ёрқин мисол бўла олади, зеро ўша даврдаги АҚШ Президенти Ж. Кеннедининг Конгресс билан узоқ маслаҳатлашувларсиз тез ва қатъий ҳаракат қилиш қобилияти можарони тинч йўл билан ҳал қилишда муҳим рол ўйнади[3].


Яна бир омил борки, у ҳақда ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ташқи сиёсатнинг қатор жиҳатлари, хусусан, дипломатик музокаралар, разведка операциялари, ҳарбий режалаштириш парламент назорати остида таъминлаш қийин бўлган махфийликни талаб қилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, парламент кўмиталаридан маълумотларнинг сизиб чиқиши халқаро музокараларни жиддий равишда мураккаблаштириши мумкин. Масалан, 2015 йилда АҚШ Конгрессида Эрон ядровий келишуви тафсилотларини муҳокама қилиш АҚШ дипломатияси учун қўшимча мураккабликлар келтириб чиқарди[4].

Қолаверса, ташқи сиёсат соҳасида махфийлик ва очиклик ўртасидаги мувозанатни топиш ҳар доим долзарб масала бўлиб келган. Парламент назорати ошгани сари демократик ҳисобдорлик таъминланади, аммо ортиқча очиклик баъзан давлатнинг стратегик манфаатларига зарар етказиши мумкин. Шу боис дунё амалиётида парламентларда махсус ёпик эшиклар ортидаги кўмиталар, махфий ахборот билан ишлайдиган секторлар ташкил этилган. Бу функционал механизмлар ташқи сиёсатни қонуний ва бир вақтнинг ўзида самарали амалга ошириш имконини беради.

Реализм намоёндалари ташқи сиёсат мураккаб касбий соҳа бўлиб, махсус билим ва тажриба талаб этишини таъкидлайдилар. Ҳудудий асосда сайланган ва биринчи навбатда, ўз сайлов округларининг ички муаммоларига эътибор қаратадиган парламент аъзолари, кўпинча ташқи сиёсат соҳасида асосланган қарорлар қабул қилиш учун зарур малакага эга эмаслар. Бу, айниқса, хатолар ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган халқаро хавфсизлик масалаларида яққол намоён бўлади.

Бундан ташқари, аниқ тарихий ҳолатлар таҳлили парламентнинг ташқи сиёсатдаги иштирокини танқид қилади. Хусусан, АҚШ Конгрессининг уруш эълон қилиш ва шартномаларни ратификация қилиш бўйича расмий ваколатларига қарамай, ташқи сиёсат Президент ҳокимияти томонидан белгиланади. Мисол учун, Вьетнам ва Ироқдаги ҳарбий амалиётлар Конгресснинг тўлиқ рухсатсиз бошланган[5].

Буюк Британияда ташқи сиёсатдаги “қироллик ҳукуки” анъанаси тарихан парламент ролини чеклаб келган. Ҳатто 2003 йилда Ироққа уруш бошлаш каби муҳим қарор бўйича ҳам парламент муҳокамаси асосан маслаҳат характериға эга





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

бўлиб, якуний қарорни ўша пайтдаги Бош вазир Т. Блэр кабинети томонидан қабул қилинган[6]. Ушбу мисол стратегик қарорлар кенг вакиллик органи томонидан эмас, балки ижро этувчи раҳбарларнинг кичик доираси томонидан қабул қилинадиган реалистик ёндашувни кўрсатади.

Шу билан бирга, замонавий сиёсий тизимлар реализм назариясидаги чекловларни қисман енгиб ўтмоқда. Аксарият мамлакатларда парламент аъзолари ташқи сиёсат бўйича махсус тайёрловдан ўтиб, экспертлар билан ҳамкорликда ишламоқда. Парламент дипломатияси деб аталувчи янги феномен вужудга келди — бу парламент аъзоларининг халқаро мулоқот, музокара ва воситачилик жараёнларида бевосита иштирок этишини англатади. Ушбу жараён парламентларнинг ташқи сиёсатдаги ролини айнан профессионаллаштириш ва институционаллаштириш томон янада яқинлаштирмоқда.

Россия сиёсий тизимида, соҳа мутахассиси Д. Тренин таъкидлаганидек, ташқи сиёсатга оид қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи анъанавий равишда Президент ва Хавфсизлик Кенгаши қўлида мужассам этилган. Парламент эса, асосан, қабул қилинган қарорларни қонунийлаштирувчи функцияни бажаради. Бу модел ташқи сиёсатнинг долзарблиги ва бирлигини биринчи ўринга қўядиган реалистик мантиққа ҳам мос келади[7].

Юқорида келтириб ўтилган мисолларга қарамай, бугунги кунда қатор масалалар, хусусан, иқтисодий санкциялар, иқлим сиёсати, киберхавфсизлик соҳаларда парламент иштироки сезиларли ўсиб бормоқда. Масалан, Европа Иттифоқида Европа парламентининг савдо келишувлари ва инсон ҳуқуқлари масалаларига таъсири аста-секин ошиб бормоқда.

Ташқи сиёсатдаги бу ўзгаришлар парламентларнинг роли келгусида янада ортганини англатади. Жаҳонда кўп қутблилик шаклланиб бораётгани, иқтисодий ўзаро боғлиқлик кучайгани ва янги турдаги хавфлар — киберхужумлар, глобал экологик инқироз, энергетик беқарорлик — парламентлардан фаолроқ позиция ва кенг қамровли қарорлар талаб қилади. Демак, парламентлар ташқи сиёсатнинг ёрдамчи эмас, балки мустақил ва таъсирчан акторига айланиб бораётгани замонавий сиёсий динамиканинг асосий трансформацияларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Парламентская дипломатия — важное направление международных отношений. <https://uza.uz/ru/posts/parlamentskaya-diplomatiya-vazhnoe-napravlenie-mezhdunarodnyx-otnosheniy>
2. Art, R. (2003). A Grand Strategy for America. Ithaca: Cornell University Press.
3. Allison, G., & Zelikow, P. (1999). Essence of Decision: Explaining the Cuban Missile Crisis. New York: Longman.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS

4. Jentleson, B. (2010). American Foreign Policy: The Dynamics of Choice in the 21st Century. New York: Norton.
5. Fisher, L. (2004). Presidential War Power. Lawrence: University Press of Kansas.
6. Strong, J. (2015). Public Opinion, Legitimacy and Tony Blair's War in Iraq. London: Routledge.
7. Тренин, Д. (2021). Россия и мировой порядок. Москва: Альпина Пабlisher.

